



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2018 йил 7 АВГУСТ, СЕШАНБА

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 148 (13.745)

Баҳоси эркин нарҳда

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲИНДИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 август куни мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Ҳиндистон Республикаси ташқи ишлар вазири Сушма Свараж хонимни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги дўстлик ва стратегик шериклик муносабатлари изчил ривожланиб бораётганини чуқур мамнуният билан таъкидлади.

Жорий йил июнь ойида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти самити доирасида Циндао шаҳрида бўлиб ўтган олий даражадаги музокаралар ва унинг якунлари бўйича эришилган келишувлар амалий ҳамкорлигини янги йўналишларини белгилаб олиш имконини берди.

Урашувда мамлакатларимиз ўртасидаги кенг кўламли, аввало, савдо-иқтисодий, инвестиция, инновация ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлиқни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш муҳимлиги алоҳида қайд этилди.

Фармацевтика ва тиббиёт, ахборот технологиялари, қишлоқ ҳўжалиги, туризм ва бошқа тармоқларда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ҳиндистонга бўлажак давлат ташрифи Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги кўп асрлик азалий дўстлик ришталарига асосланган муносабатларда янги даврни бошлаш, икки томонлама ҳамкорлиқни янада юқори босқичга кўтаришга хизмат қилиши алоҳида таъкидланди.

Минтақавий ва халқаро сиёсатнинг томонларни қизиқтирувчи долзарб масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Ташқи ишлар вазири Сушма Свараж давлатимиз раҳбарига самимий қабул учун чуқур миннатдорлик билдириб, Ҳиндистон Республикаси Президенти Рам Натх Ковинд ва Бош вазир Нарендра Модининг саломи ва эзгу тилақларини етказди.

Ҳиндистон ҳукумати Ўзбекистонда мамлакатни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохот ва ўзгаришларни тўлиқ қўллаб-қувватлаши таъкидланди.

Ҳиндистон мамлакатимизнинг минтақада хавфсизлик, барқарорлик ва тараққиётни таъминлаш борасидаги ташаббусларини юксак қадрлаши ва қўллаб-қувватлаши қайд этилди.

Сушма Свараж Ҳиндистон Республикасининг Ўзбекистон Республикаси билан кўп қиррали ҳамкорлик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш борасидаги ҳаракатлари қатъий эканини таъкидлади.

ЎЗА

## ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ҲАЙЪАТИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ

**Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири Пўлат Бобожонов раислигида Вазирлик Ҳайъатининг видеоселектор тарзидаги навбатдан ташқари мажлиси бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2018 йил 27 июль куни ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш масалалари юзасидан ўтказилган кенгайтирилган видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти девони масъул ходимлари, Бош прокурор Отабек Муродов, шунингдек, Бош прокуратура ва Ички ишлар вазирлигининг раҳбар ходимлари, ҳудудлардаги прокурорлар ва ички ишлар органлари бошлиқлари иштирок этдилар.


Мажлисида сўнги йилларда Президентимизнинг ташаббуси билан ички ишлар органларида ўтказилаётган тарихий аҳамиятга эга кенг қамровли ислохотларнинг барчаси тизимини аҳолига ўз вақтида ва сифатли ёрдам кўрсатадиган, ҳар бир ходим халқ манфаатларига хизмат қилишни ўз хизмат бурчи деб биладиган ижтимоий йўналтирилган профессионал тузилмага айлантиришга қаратилганлиги, шу мақсадда, ўтган даврда фаолиятнинг барча йўналишлари танқидий қайта кўриб чиқилиб, замон талабларига мос равишда такомиллаштиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилганлиги, чинакам халқларвар ички ишлар органларини шакллантириш нуктаи назардан куч ва воситаларнинг асосий қисми қуйи тизимларга ўтказилиб, аҳолига имкон қадар яқинлаштирилганлиги ва бу ишлар ҳозирда ҳам бос-

қичма-босқич давом эттирилаётганлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармасидан маълум қилишларича, жорий йилнинг олти ойи давомида ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечиришини таъминлаш, жиноятчиликнинг ўсишига йўл қўймаслик чоралари қўрилиши натижасида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан республика бўйича жиноят содир этиш ҳолатлари 13 минг 599 тага ёки 38,67 фоизга, жиноят қидирув йўналишидаги жиноятлар эса 8 минг 568 тага ёки 38,86 фоизга камайган.

Йиғилишда Президент раислигида 27 июль куни ўтказилган мажлисда кўтарилган муҳим масалалар, шу жумладан, "Жиноят ҳақиқати ва адолат" тизимини амалиётга кенг жорий этиш масаласига алоҳида тўхталиб, содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, жиноятларни фош этиш ва жазо муқаррарлигини таъминлашда қонунийлик, адолатлилик ва тезкорлик принциплари устуворлигини сўзсиз таъминлаш, ортида инсон тақдирини бўлган ҳар қандай жиноятга, унинг оғир-енгиллигидан қатъи назар, катта эътибор билан ёндашиш ва унинг чин сабабларини аниқлаб, бартараф этиш чоралари ўз вақтида таъминланиши лозимлиги таъкидланди.

(Давоми 2-бетда)



## ЗАМОНАВИЙ ҚУРИЛМА ИШГА ТУШДИ У ТЕМИР ЙЎЛ ВАГОНЛАРИНИ СКАНЕР ҚИЛАДИ

**Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг "Чукурсой техник идора" чегара божхона постида темир йўл вагонларини сканер қилувчи замонавий инспекцион-кўрик мажмуаси фойдаланишга топширилди.**

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси масъуллари, Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкулдда ва мухтор элчиси, соҳа ходимлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимизда умумэтироф этилган халқаро норма ва стандартлар асосида божхона органлари фаолияти ҳамда божхона маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, тадбиркорлиқни фаол ва жадал ривожлантириш учун қулай шароит яратишга алоҳида эътибор берилётгани таъкидланди.

Катта ҳажмдаги сканер қурилмаси билан жиҳозланган маъмур мажмуа Президентнинг 2018 йил 12 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ижроси доирасида Хитой Халқ Республикасининг грант маблағлари ҳисобидан барпо этилди.

Бугунги кунда юртимиз сарҳадларидаги бир қатор темир йўл чегара божхона постлари ҳамда ташқи иқтисодий фаолият божхона постида бу каби инспекцион-кўрик мажмуаларидан самарали фойдаланилмоқда.

Тадбирда иштирокчилар "Чукурсой" темир йўл станциясидаги инспекцион-кўрик мажмуаси фао-

лияти билан яқиндан танишди. Мутахассислар томонидан йирик ҳажмли сканерлаш қурилмасининг ишлаш тартиби бўйича маълумот берилди.

Эндиликда замонавий сканер қурилмаси ёрдамида темир йўл вагонидagi юкни текширишга ортиқча вақт сарфланмайдиган бўлди, – дейди ЎЗА муҳбирига Давлат божхона қўмитасининг ахборот-коммуникация технологиялари бошқармаси бўлими бошлиғи Ж.Исломов. – Илгари бу жараён кўп вақтни олар эди. Инспекцион-кўрик мажмуасида вагонни очмай туриб ҳам текшириш ҳамда товар-юк кузатув ҳужжатларини икки-уч дақиқада солиштириш имкони пайдо бўлди.

Махсус рентген нурали ёрдамида вагонларни сканердан ўтказувчи қурилма маҳсулотларнинг хусусияти ва сифатига ҳеч қандай таъсир ўтказмайди. Инспекцион-кўрик мажмуасини самарали қўллашдан мақсад нафақат контрафакт маҳсулотлар ёки контрабанданинг олдини олиш, балки хавфни бошқариш орқали божхона назорати самарадорлигини ошириш, божхона тартибларини соддалаштириб, экспорт ва импорт жараёнларини янада тезлаштиришдан иборатдир.

Тадбирда божхона хизмати органларида фойдаланилаётган назорат техник воситаларининг кўرғазмаси ташкил этилди.

А.МУСАЕВ

## ЎЗБЕКИСТОН: ЯНГИЛАНИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ЙЎЛИДА

**Сўнги бир ярим йилда Тошкентда амалга оширилган улкан ўзгаришларни кўриб ҳайратда қолдик. Эндиликда Тошкент кўчаларида Тожикистон ва Қирғизистон давлат рақамига эга машиналарни учратиш мумкин. Илгари бу ҳатто ақлга сиғмасди. Ёпилган йўللار яна очилиб, одамларнинг узогини яқин қилмоқда. Бу жадал ривожланаётган Ўзбекистон ҳаётидан айрим мисоллар холос.**

Шубҳасиз, бу биз учун мутлақо қутилмаган ҳодиса деб айтолмаймиз. Чунки биз Шавкат Мирзиёев галаба қозонган 2016 йилги Президент сайловларида кузатувчи сифатида иштирок этганмиз. Ўшанда ҳам ўзгаришлар нафаси уфуриб турган эди.

Биз Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимида қатнашиш бахтига муяссар бўлдик. Шавкат Мирзиёев ўз нутқида мамлакатнинг ислох қилишнинг стратегик йўналишларини белгилаб берди. Ўшанда унинг валютани эркин конвертация қилишни жорий этиш, суд-ҳуқуқ соҳасида ислохотларни амалга ошириш, барча мансабдор шахсларнинг ҳисобдорлигини кучайтириш, яқин қўшнилар билан янги ташқи сиёсатни шакллантириш каби ташаббуслари бизни тўққинлаштириб юборганини яхши эслайман.

Бирок, бунинг учун эзгу мақсадларнинг ўзи кифоя эмас. Дунё таърибасидан маълумки, модернизацияни мустаҳкам қонунийлик асоси, жамоат ва давлат аппаратининг ислохотларни қўллаб-қувватлаш йўлидаги қучларини бирлаштирмасдан туриб буларни амалга ошириб бўлмайди. Шунинг учун ҳам Фарбда кўпчилик ҳулоса чиқаришга шошилмай, кейинчалик нима бўлишини кузатишни афзал кўрди.

Кўп йиллардан буён Ўзбекистонни тадқиқ қилиш билан шуғулланаётган биз, америкалик экспертлар учун Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан амалга оширилаётган ўзгаришларнинг

боришини "қайд этиш" муҳим эди. Тан олиш керак, бу осон бўлмади, чунки Ўзбекистондаги ислохотлар давлат ва жамият ҳаётининг барча жаҳалларини қамраб олди. Айрим ташаббуслар қонунийлик ҳужжатлари, айримлари Президент фармонлари, бошқалари амалий ўзгаришлар шаклида ҳаётга татбиқ этилгани мубайян қийинчилик туғдирди. Лекин Тошкентдаги дўстларимиз туфайли янги ҳукумат томонидан чиқарилган барча ҳужжатлар тўғрисида маълумот олдик.

Барча жиҳатларни астойдил ўрганиб чиқиб, шуни ишонч билан айта оламизки, Ўзбекистон Президенти томонидан қабул қилинган қарорлар ҳақиқатан ҳам жаҳондаги барча стандартларга жавоб берадиган дадил ва қатъий ислохотлар дастурини ифода этади.

Буни эътироф этган ҳолда, "Ўзбекистоннинг янги қиёфаси" деб номланган китоб чиқаришга қарор қилдик. Мақсадимиз оддий эди. Биз шунчаки Фарб ўқувчилари учун Ўзбекистон Президенти томонидан илгари сурилган Ҳаракатлар стратегиясининг муҳим жиҳатларини очиб бермоқчи эдик.

Асосий мақсадимиз хориж аудиторияси учун ислохотларнинг ўзига хос шарҳини ёзиб бериш бўлиб, китоб ўқувчиларга мамлакатда амалга оширилаётган ўзгаришларни баҳолаш, Ўзбекистон қаерга ва қай тарзда ҳаракатланаётганини тушунишга ёрдам беришини истасан эдик.

(Давоми 2-бетда)



## МАМЛАКАТИМИЗДА

● Бухоро вилоятининг Пешку туманида – буюқ аждодимиз Абу Али ибн Сино туғилган Афшона қишлоғида йирик мажмуа барпо этилади. Умумий майдони 5 гектардан иборат мажмуадаги ҳар бир объект ўзига хос бўлади. Айниқса, каттагина ўрин эгаллайдиган Халқ табобати марказида бугли эффектга эга тош ҳаммом, оёқ касалликларига қарши яхши наф берадиган сандал, зулук олиш, укалаш хизматлари ташкил этилади.

● Навоий вилояти Кармана тумани "Шибзон" маҳалла фуқаролар йиғинида вилоятдаги илк "Yoshlar mehnat guzari" комплекси фойдаланишга топширилди. Маҳаллада қад ростлаган икки қаватли замонавий бинодан аёллар ва эркеклар саломи, тикув цехи ҳамда озиқ-овқат дўкони ўрин олган. Энг муҳими, бу ерда 40 га яқин ёшлар доимий иш ўрнига эга бўлди.

● Урганчада "Меҳнат ҳуқуқлари ҳимоясини ҳолис ёритиш ва ахборотни ўз вақтида тақдим этиш механизмлари" мавзусида журналистлар учун семинар-тренинг ўтказилди. Тренингда журналистлар меҳнат меъёрлари бўйича амалга оширилаётган ислохотлар ва лойиҳалар ҳақидаги маълумотлар билан атрофлича таништирилди.

● Андижонда "Ўзбекистон Республикаси иқлим шароитида Россия селекциясига мансуб соя, кунгабоқар, маккажўхори, оқ жўхори каби қишлоқ хўжалиги экинлари ва дугайларини синовдан ўтказиш ҳамда амалга оширилган агротехник тадбирларни ўрганиш" мавзусида халқаро илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

## ЖАҲОНДА

● Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳридаги мактабларда бахт дарси жорий қилинди. Таълим вазири ўринбосари Маниша Сисорининг таъкидлашича, ўқувчиларнинг дарсни қанчалик ўзлаштиргани баҳоланмайди, чунки бу дарсда тест ва уй вазифалари бўлмайди. Яъни, бахт дарси болаларда руҳий тушкунликка тушиб қолиш, сиқилишларга барҳам бериш ва безовталанишнинг олдини олади. Дарснинг самарадорлигини Деҳли ҳукумати қошида ташкил этилган 200 ўқитувчидан иборат комиссия кузатиб боради.

● Франциянинг "Femto-ST" институти муҳандислари баландлиги 15 микрометр бўлган дунёдаги энг митти уйни қуришди. Уй инсон соч толасидан ҳам ингичка бўлган оптик тола устида жойлаштирилиб, уни ясаш учун муҳандислар ўта майда буюмлар ясай оладиган микроскопик роботлардан ташкил топган "u-Robotex" тизимидан фойдаланишди. Роботлар компьютерлар ёрдамида бошқарилиб, уй вакуум камера ичида ясалди ва уни тайёрлаш жараёни микроскоп орқали кузатиб турилди.

● "Samsung" компанияси томонидан смартфонлар учун ташқи таъсирга чидамли, мустаҳкам дисплей яратилди. АКШда тегишли муассасада сертификатлаштирилган "Samsung Display"дан нафақат смартфонлар, балки автомобиль консоллари, ҳарбий аҳамиятга эга мобил қурилмалар, портатив ўйин қурилмалари ва планшетларда ҳам фойдаланиш мумкин. У пластикдан тайёрланади, жуда енгил ва мустаҳкам бўлиб, хусусиятлари оддий ойнаниқидан асло қолишмайди.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Айрим ҳудудларда оила-турмуш доирасидаги ва воғга етмаганлар ўртасидаги жиноятлар сони юқориликча қолаётганлиги сабаблари юзасидан вилоят ички ишлар бошқармалари бошлиқларининг ахборотлари тингланди.

Оила-турмуш, қариндошчилик ва қўни-қўшничилик муносабатларида келиб чиқаётган келишмовчиликлар қотиллик, тан жароҳати етказиш каби ўта оғир ва оғир жиноятларни келтириб чиқариш ҳолатлари барча ҳудудларда ҳам кузатилаётганлигини ҳисобга олиб, уларнинг барвақт олдини олиш ва жиноятни келтириб чиқариши мумкин бўлган шарт-шароитларни ўз вақтида бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар маҳалла, хотин-қизлар кўмитаси, ёшлар ташкилотлари, масъул давлат идоралари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан яқин ҳамкорликда ўтказилмаётганлиги, муқаддам судланганлар билан профилактик ишлар талаб даражасида олиб борилмаётганлиги қайд этилди.

Йўл-транспорт ҳодисалари, айниқса, инсон ўлими билан боғлиқ ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган тадбирларнинг самарасизлиги, йўл белгиларини хатловдан ўтказиш, уларни замонавий қопламали йўл белгилари билан алмаштириш борасидаги ишларни ташкиллаштиришда йўл қўйилаётган камчиликлар бўйича раҳбарларнинг ҳисоботлари эшитилди.

Шунингдек, жойларда мулкий турдаги жиноятлар, ўғирлик ва фарибгарликларнинг олдини олишда мақсадли ва манзилли тадбирлар ўтказишга эътибор берилмаётганлиги таъкидланди. Йиғилишда қўриқлаш хизмати йўналишида амалга оширилаётган ишлар талабга жавоб бермаётганлиги, аҳоли хонадонлари, ташкилот ва корхоналар қўриқловга олиниши юзасидан тарғибот

ишлари суёт олиб борилаётганлиги юзасидан эътирозлар билдирилди.

Оммавий ахборот воситаларида "Жиноят ҳақиқати ва адолат" тизими бағишланган махсус рунлар ва телерадиоматериаллар тайёрлашни ташкил этиш ва аҳолига етказиш орқали жиноятчиликка қарши мурасасизлик муҳитини янада мустаҳкамлашга қаратилган таъсирчан чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан тегишли топшириқлар берилди.

Мажлисида ҳудудларни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ички ишлар органлари раҳ-

юзасидан Ички ишлар вазирлиги ва қўни тизим органлари раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди. Жорий йилнинг ўтган даврида ҳодимлар томонидан содир этилган салбий ҳолатлар муҳофаза этилиб, уларнинг келгусида содир этилишини олдини олиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаш бўйича топшириқлар берилди.

Шунингдек, Тошкент шаҳрида жорий этилган "Хавфсиз пойтахт" концепцияси жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишда самарали механизм сифатида ўзини оқлаётган-

кунларда ички ишлар вазири Пўлат Бобожонов раҳбарлигидаги Ишчи гуруҳи томонидан Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ички ишлар органларининг фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш борасидаги фаолиятини текшириш давомида аниқланган камчиликлар атрофлича муҳофаза қилинди.

Ушбу текширувлар ҳақида муқаддам ИИБ томонидан батафсил маълумот берилган эди.

Хусусан, ишчи гуруҳ томонидан мазкур вилоятлардаги ҳар бир ҳодимнинг соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг моҳиятини тўлақонли равишда таъминлаш ва уларни ҳаётга татбиқ этишдаги дахлдорлик ҳисси, фуқаролар билан белгиланган тартиб-таомиллар доирасида мулоқотда бўлиши ва фаолиятида йўл қўйилаётган камчиликларнинг туб сабаблари атрофлича таҳлил қилиниб, эгаллаб турган лаъвозимига нолойик, бугунги кун талабларига жавоб бермайдиган, ҳануз эскича иш услубида хизмат қилаётган, ўз устида ишламасдан, фуқароларнинг манфаати йўлида жонбозлик кўрсатмаётган раҳбар ва ҳодимлар интизомий жазога тортиланликлари яна бир бор таъкидланди.

Ҳайъатнинг навбатдан ташқари мажлиси кун тартибига қўйилган кейинги масалалар, хусусан, "Пахта-2018" мавсуми даврида жамоат тартибини сақлаш, ёнғин, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини кўриш ҳамда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма етти йиллигини нишонлаш тадбирларига тайёргарлик кўриш, уни ўтказиш даврида хавфсизлик чораларини белгилаш масалалари ҳам кўриб чиқилиб, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

ЎЗА

## ФОНД БОЗОРИДА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРГА ЯРАТИЛГАН ҚУЛАЙЛИКЛАР

**"Тошкент" республика фонд биржаси томонидан Миллий матбуот марказида ўтказилган матбуот анжуманида мамлакатимизда фонд бозорини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар, жисмоний шахслар учун яратилаётган қулайликлар ва тизимда жорий этилаётган янгилликлар ҳақида атрофлича маълумот берилди.**

Таъкидландики, фонд бозорини модернизация қилиш юзасидан Корея биржаси билан ҳамкорликда амалга оширилган лойиҳа муваффақиятли якунига етказилди. Бунинг натижасида 2016 йилнинг август ойида юртимиз фонд бозорига Ягона дастурий-техник мажмуа ишга туширилиб, тизим фаолияти, жумладан, жисмоний шахсларга қатор қулайликлар яратилди. Янги мажмуа савдо, брокерлик, ҳисоб-китоб ва клиринг, депозитар ва назорат тизимларини ўзида бирлаштирган. Бу жараёнда қимматли қоғозлар бозорига ортқича қоғоз-ҳужжатлар айланишига барҳам берилгани тизим ишини янада ривожлантиришда катта омил бўлди.

— Яна бир муҳим жиҳати шуки, энди жисмоний шахслар қимматли қоғозлар бозори учун мобил йўл ва орқали савдолашиш ва ўз ҳисобини бошқариш, мобил тўлов тизими воситасида ҳисобни тўлдириши мумкин, — дейди ЎЗА муҳбирига "Тошкент" республика фонд биржаси таҳлилий хизмат бошлиғи Ўктам Очилов. — Ушбу тизим орқали фонд биржасида клиринг, неттинг тизимига ўтиш имконияти белгиланди. Маълумки, томинг — қимматли қоғозлар савдосининг ташкилотлари томонидан рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозларга доир битимлар бўйича ўзаро мажбуриятларни аниқлаш, аниқлаштириш ва ҳисобга олишдир. Янги тизимда инвестор бир корхонанинг акциясини сотиб олиб, уни шу заҳоти сотиши мумкин. Савдолар якуни бўйича электрон тизим орқали кун давомида савдоларда иштирок этган барча томонларнинг пул талаблари ва пул мажбуриятлари аниқлаштирилиб, ҳисоб-китоб қилинади. Неттингнинг афзаллиги эса инвесторларнинг вақт ва маблағлари тежалишига имкон яратади.

Таъкидланганидек, 2018 йилнинг ўтган етти ойи давомида "Тошкент" республика фонд биржасида қимматли қоғозлар билан амалга оширилган умумий савдо айланмаси ҳажми 250,8 миллиард сўмни ташкил этган. Бу сўнгги беш йилнинг мазкур давридаги энг юқори кўрсаткичдир. Жорий йил бошидан буён биржа савдолари орқали 99 та акциядорлик жамиятининг 7,2 миллиард дона қимматли қоғозлари билан жами 6821 та биржа битимлари тузилган. Фонд биржасининг умумий савдо айланмасида жисмоний шахслар улуши қарийб 60 фоизгача ошган. Фонд биржасида рўйхатга олинган умумий битимлар сонининг 97,5 фоизи ёки 6644 донаси жисмоний шахслар ҳиссасига тўғри келди.

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА

## АСОСИЙ МАҚСАД — МУАММОЛАРГА ЕЧИМ ТОПИШ

**Миллий матбуот марказида Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим, ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитасининг жорий йил биринчи ярим йиллигидаги фаолияти якунларига ва келгусидаги устувор вазифаларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди, дея хабар беради ЎЗА.**

Тадбир давомида қайд этилганидек, ялли мажлисларга тайёргарлик доирасида кўмита томонидан "Давлат муқофотлари тўғрисида" (янги таҳрири), "Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари дастлабки тарзда қўриб чиқилди.

Кўмита томонидан назорат-таҳлил фаолияти доирасида "Таълим тўғрисида"ги қонуннинг Сирдарё вилоятидаги ижроси ўрганилди ва бир қатор ечимини кўтаётган муаммолар аниқланди. Хусусан, вилоятдаги умумтаълим мактабларида ўқувчиларнинг ўзлаштириш жараёни қониқарсиз эканлиги қайд этилди. Яъни, бу кўрсаткич 52 фоизни ташкил этапти. Шунингдек, мактабларда маънавий-маърифий ишлар яхши йўлга қўйилмаган. Шу сабабдан айнан мактаб ўқувчилари жиноятчилиги 2017 йил 2016 йилгига нисбатан кўпайган. Умумтаълим мактабларининг моддий-техник базаси, шaroитлари ўрганилганда, 170 дан ортқик мактабга компьютер етказилмагани, бор компьютерлар ҳам яроқсиз ҳолга келгани аниқ бўлди.

Ўрганишлар жараёнида 160 дан ортқик мактабда тиббиёт хонаси мавжуд эмаслиги, тиббий хизмат ўз вақтида амалга оширилмаётгани маълум бўлган. Умумтаълим мактабларида 211 нафар педагог ҳодим ўрни вакант эканлиги аниқланган. Математика, физика, кимё, тарих, рус тили каби фанлардан педагог етишмовчилиги мавжуд. Шундай экан, бу ўқувчилардан қандай қилиб юқори кўрсаткичли ўзлаштиришни кутиш мумкин?

Ўрганиш якунлари бўйича кўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди. Бу ўрта мактабларда таълим жараёнини ташкил этиш сифатини яхшилаш, ахборот-коммуникация технологияларидан интенсив фойдаланиш, ижтимоий-маънавий муҳитни, моддий-техник таъминотни мустаҳкамлаш, кадрлар кўнимсизлигининг олдини олиш бўйича тадбирлар ўтказиш учун асос бўлиб хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида"ги қонуни давлат назорат органлари томонидан ижро этилишини ўрганиш давомида қатор муаммолар аниқланди. Хусусан, бирги-на 2017 йил сертификатлаштириш ишлари натижасида 897 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳ-

сулотлари яроқсиз деб топилган. Ўтган йилда 612 та озиқ-овқат объектларидан олинган 536 минг 511 та озиқ-овқат маҳсулотларининг намунаси таҳлил қилинганда 18 минг 810 таси амалдаги санитария қоидаларига жавоб бермаслиги аниқланган. Бу 20 йил аввал қабул қилинган мазкур қонун ҳужжати замон талабларига жавоб бермайдиган, деган ҳулосага келиш учун асос бўлиб хизмат қилди. Мазкур масала юзасидан Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича ишларни мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил этиш зарурлиги қайд этилди.

Кўмита тиббиёт ҳодимларини ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, тиббиёт ҳодимлари зиммасига меъёрдан ортқик вазифалар юклатиши, тиббиёт муассасаларида иш ўринлари қисқартирилиши, ҳодимларнинг ўз фаолият тури билан боғлиқ бўлмаган турли мавсумий ишларга жалб қилиниши билан боғлиқ масалалар муҳофаза этилган тадбирда "Тиббиёт ҳодимларини ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш кафолатлари тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш зарурлиги ҳақида тақлиф тайёрланди ва Вазирлар Маҳкамасига киритилди.

Турли долзарб масалалар бўйича жамоатчилик фикрини ўрганиш борасида тизимли ишлар олиб боришмоқда. Кўмитада тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш юзасидан ўтказилган жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича Республика ишчи гуруҳи тузилди. Республика ишчи гуруҳи томонидан давлат ва жамоат ташкилотлари иштирокида 10 мингдан ортқик учрашув, давра суҳбат ва ташвиқот тадбирлари ўтказилди. Муҳофазаларда 120 мингдан зиёд мутахассис, эксперт, жамоатчилик иштирок этди. Бу борадаги ишлар давом этмоқда.

Ҳисобот даврида Сенатга фуқароларнинг 4 минг 675 та мурожаати келиб тушди. Уларнинг 20 фоизи бевосита Кўмита томонидан кўриб чиқилди, 321 таси назоратга олинди, 46 фоизи эса ижобий ҳал этилди.

Нурилло НАСРИЕВ

## ЎЗБЕКИСТОН:

## ЯНГИЛАНИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Фарбда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ўзгаришларни яхшироқ англашлари фойда муҳим. Фикримизча, у ерда ҳукумат ва халқ ўртасидаги ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаётган, ташқи ва ички сиёсатдаги эски ёндашувларни изчил тўзатишга олиб келаётган жараёнлар моҳиятини тўлиқ англаб етмапти.

Ташриф давомида биз биринчи қўлдан, яъни Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазиридан мамлакатдаги Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорлиқни ривожлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар ҳақида маълумот олишга муваффақ бўлдик. Муҳташам бинода жойлашган Фанлар академияси Шарқшунослик институти, таълим стандартларини оширишга қаратилган ўта муҳим ўзгаришлар рўй бераётган Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университетида бўлдик.

Талаба ва олимлар билан суҳбатлашиб, Ўзбекистон ёшлари ислохотларининг барча йўналишларини қўллаб-қувватлаётганига амин бўлдик. Бундан ташқари, ёш авлод ушбу жараённинг бевосита иштирокчиси бўлишга интилоқда.

Орадан бир ярим йил ўтиб Тошкентга яна қадам қўйарканмиз, бу ердаги улкан ислохотлар дастури истиқболларини қандай баҳоламоқдамиз? Таассурларимиз илмий исботлар ўрнини боса олмайди, албатта. Лекин Ўзбекистонлик ёш ишбилармонлар бир йил аввал амалга оширишнинг имкони ҳам бўлмаган лойиҳалар устида ишлаётганини айтганда жуда ҳайратландик. Тасви ҳайдовчиси меваларни Қозғонистонга экспорт қилиш учун ҳамкор кидираётган акиси, дукон соҳибби Фаргона водийсининг Тожикистон билан чегарадош ҳудуддаги қариндошлари билан дийдор қўришгани ҳақида сўзлаб берди.

Албатта, ҳеч нарса бир зумда ўзгармайди. Бизга тасодифан учраган бир кекса одам эски одатлардан қутулиш осон бўлмаслигини таъкидлади.

Олган таассуротларимиз асосида келажакни башорат қилишнинг иложи йўқ. Бироқ бу мулоқот қилган одамларнинг барчаси ижобий қайфият билан яшаётгани нафақат қилишнинг завқини келтиради, балки кўп нарсадан далолат беради ҳам. Албатта, бундай умид учун асос бор.

Ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, барча ислохотлар Ўзбекистон раҳбариятининг бир лаҳзаллик шижоати эмас, пухта ўйланган лойиҳаси бўлганини англаб етдик. Ислохотлар бошланган иложисизлик аломати эмас, балки кудрат белгиси эканлиги ҳам таъкидлаш зарур. Ўзбекистонга қўшни барча мамлакатлар ислохотлар дастурини ёқлаб, Тошкент тўғрисида эришилган янги минтақавий сиёсатни қабул қилмоқда.

Шу жиҳатдан, Ўзбекистон ташаббуси билан яқинда қабул қилинган БМТ Бош Ассамблеяси резолюцияси Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорлиқни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. БМТнинг бу қарори Марказий Осиё мамлакатлари минтақавий муаммоларини мустақил равишда ҳал қилишга тайёр экани, ушбу ҳудуд буюк давлатлар учун рақобат майдони эмас, балки ҳамкорлик минтақасига айланишини кўрсатмоқда.

Энг асосийси, биз ҳозирги кунда бизнес соҳасида ва ҳукуматда масъул лаъозимларни эгаллаб турган Ўзбекистонлик ёшларнинг аксарияти билан шахсан танишмиз. Бу бизга Ўзбекистон ва, умуман, бутун Марказий Осиё минтақаси келажакда хусусида ишонч ва некинлик билан сўз юритиш имконини беради.

Фредерик СТАРР,  
Америка ташқи сиёсат кенгаши ҳузуридаги  
Марказий Осиё ва Кавказ институти раиси  
Сванте КОРНЕЛЛ,  
Америка ташқи сиёсат кенгашининг  
Евроосий масалалари бўйича катта илмий  
ҳодими

## СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ШАФФОФЛИГИ

**Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судида шаҳар жиноий, фуқаролик, маъмурий ва иқтисодий судлар раислари томонидан брифинг ташкил этилди.**

Унда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Ёшлар иттифоқи, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича туман кенгашлари, кенг жамоатчилик ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 13 июлдаги "Суд-ҳуқуқ тизимини янада тақомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ижроси доирасида ташкил этилган брифингда 2018 йилнинг биринчи ярим йиллигида Тошкент шаҳрида умумий жиноятчилик ҳаволи ва бу борада амалга оширилган ишлар ҳамда истиқболдаги режалар ҳусусида ахборот берилди.

Маълумотларга қўра, муқаддам судланган шахслар томонидан, гуруҳ бўлиб, аёллар, ишчилар ва воғга етмаганлар томонидан жиноят содир этиш ҳолатлари ҳам бирчунда камаяган.

Афсуски, қасддан одам ўлдириш жинояти Учтепа, Бектемир, Сергели туманларида кўпайган, Мирзо Улуғбек туманида товланчилик, Юнусобод туманида эса одам савдоси жиноятининг сони ошган.

Ўтган олти ой мобайнида судланганларнинг 540 нафарини аёллар, 62 нафарини воғга етмаганлар, 1 минг 356 нафарини ёшлар ташкил этгани ачинарли ҳолатдир.

Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларни профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини таъминлаш мақсадида судлар фаолиятида "Йўл ҳаритаси" ҳамда чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган.

Мазкур ҳужжатлар ижроси доирасида судлар томонидан ўтган давр мобайнида жиноят ишлари сайёр суд мажлисларида кўриб чиқилди, жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисида суднинг ҳусусий ажримлари чиқарилди, ягона суд амалиётии шакллантириш мақсадида суд амалиётии юзасидан 11 та умумлаштириш қилиниб, натижаси юзасидан туман судларига тегишли кўрсатма ва тавсиялар берилди.

Судларнинг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш, фуқароларнинг судга бўлган ишончини ошириш мақсадида Тошкент шаҳрининг жиноят, фуқаролик, маъмурий ва иқтисодий ишлари бўйича судлари томонидан ҳамкорликда "Одил судлов" кўрсатуви ташкил этилиб, ҳар ўн беш кунда туман судлари раисларининг "ToShkent" телеканалда орқали жонли эфирда фуқаролар билан очик мулоқоти йўлга қўйилди.

Г. БОБОЕВА,  
ЎЗА муҳбири

**2017 йил 3 август куни Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашди. Шу кун маънавий ҳаётимизда янги саҳифа очилган сана сифатида ёдда қолди. Учрашувда ҳар бир йўналиш бўйича муаммо ва камчиликлар теран ва чуқур таҳлил этилиб, мавжуд ҳолатни тубдан яхшилаш бўйича топшириқлар берилди.**

Шу учрашувдан сўнг ҳар бир ижодкор, маданият ва санъат соҳаси вакили фаолиятини ҳолис, танқидий-таҳлилий назардан ўтказишга бошладилар. Йиллар давомида йиғилиб келган муаммо ва камчиликларни бартараф этишга оид долзарб вазифалар белгиланди. Орадан кўп ўтмай бу камчиликларни ҳуқуқий жиҳатдан бартараф этиш мақсадида бир қатор қарор ва фармонлар қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 18 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш тўғрисида"ги қарори барча мишга қанот бағишлади. Қарор ижроси доирасида бир қатор тарихий ўзгаришлар амалга ошди. Маданият вазирлиги ўз босиносига эга бўлди. Юртимиздаги етакчи ижодий ташкилотларнинг "дўстлари клуби" ташкил этилди. Буни ижод ахли катта қувонч билан қарши олди, кўнгли ўсди.

Бунга мисол кўп. Ўзбек Миллий академик драма театрига ҳомий сифатида бириктирилган "Ўқимёсаноат" акциядорлик жамияти билан икки йиллик аниқ чора-тадбирлар ҳамда беш йиллик режа тасдиқланди. Театрнинг кичик томошалар зали, электр тармоқлари, тикув цехининг том қисми, дурадгорлик устaxonаси, электр тармоғи таъмирланди. Қўшимча видеокузатув мосламалари ўрнатилди. Театр гримхоналари учун янги техник жиҳозлар харид қилинди. Кўрсатилган ҳомийлик ишларига умумий ҳисобда 9 миллиард сўм сарфланди.

Ўзбекистон давлат кўғирчоқ театри "Ўзэлтхасаноат" акциядорлик компанияси билан 2017-2021 йиллар давомида ҳамкорлик қилиш бўйича чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқди. Театр жамоаси Тожикистоннинг Душанбе шаҳрида ўтказган гастроль сафарига 12 миллион сўм миқдорда ҳомийлик қилинди. Шу билан бирга янги саҳналаштирилган "Тумарис" спектакли ва Янги йил тадбирларини амалга ошириш учун сарф-харажатлар сметасига кўра 29 миллион сўм маблағ тарз ҳисобидан, 71 миллион сўм "Ўзэлтхасаноат" акциядорлик компанияси томонидан қўпанди.

Ўзбекистон давлат ёш томошабинлар театри ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ўртасида мавжуд режа асосида театр босиносига катта ҳажмдаги электрон экран жойлаштирилди. Ижодий жамоанинг "Масхарабоз" шоу дастури билан Буюк Британиянинг Лондон шаҳрида бўлиб ўтадиган гастроль сафарлари учун 113 миллион сўм маблағлар ажратилди.

Эзгу мақсад йўлидаги ҳомийлик кўмаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри, Ўзбекистон давлат академик рус драма театри, "Томоша" болалар театр-студияси, "Дийдор" режиссёрлик ва актёрлик маҳорати театр-студияси фаолиятини қўллаб-қувватлаш, янги-янги ижодий лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш, ижодкорларга мадад кўрсатишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу йўналишда вилоятларимизда фаолият юритаётган ижодий жамоаларга ҳам улкан ҳомийлик ишлари кўрсатилдики, қилинган эзгу ишларнинг санаб адоғига етиш қийин.

Сўз ва амал уйғунлиги бугунги ислохотларнинг таъсирчанлигини ошираётти, десак айни ҳақиқат. Зеро, бир йил аввалги учрашувда илгари сурилган тақлифлар таҳлилга ҳолис назар ташласак, маданий-маърифий ҳаётимиз учун гоёт муҳим масалалар ҳал этилаётганига амин бўламиз. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 январдаги "2018-2022 йилларда давлат театрларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбари ўша учрашувда бугунги кино ва

спектаклларнинг савияси, халқ артистларининг масъулияти, уларнинг ижтимоий бурчи, ёшлар тарбиясидаги ўрни ҳақида кўнжаклик билан фикр билдирган эди. Дарҳақиқат, бу йўналишда камчиликлар кўп. Томошабинга, айниқса, ёшларга ибрат бўладиган саҳна асарлари яратиш босқини тилга олишга арзигулик ишлар қилинганми йўқ. Шундан келиб чиқиб, муҳим ва долзарб мавзуларда асарлар яратишга ижтимоий буюртма бериш юзасидан режа ишлаб чиқилиб, тасдиқланди.

Таниқли ёзувчи ва драматурглар билан "Миллий драматургия: муаммо ва ечимлар" мавзусидаги илмий-амалий анжуман ўтказилди. Унда киносчилар, журналистлар, театр-шунослар, адаб ва шоирлар, санъатшунос олимлар, театр директорлари, бош режиссёрлар, адабий эмалдорлар, драматурглар билан ҳозирда замонамиз қаҳрамонлари образи яратиш ва драматургияни тубдан ислох ишлари масалаларига эътибор қаратилди.

Юртимизнинг бир қатор театрларида Шароф Бошбековнинг "Ер барибир айланаверади" асари, Кўчқор Норқо

## ИЛҲОМБАХШ ТАРИХИЙ УЧРАШУВ

билнинг "Азизим, табассум қил", Эркин Хўшвақтовнинг "Жаҳолат" асарлари, Нурилла Абдуллаевнинг "Қўқоннинг ўн икки дарвозаси", Жўрабек Рўзметовнинг "Қудук" номи драмалари, "Халқ бўл, элим" номи таълаштирилган композиция саҳналаштирилди. 2017 йил 14-15 октябрь кунлари Хоразм вилоят мусикали драма театрида "Энг яхши драматик асарлар" танлови эълон қилинди ва унда замонавий мавзудаги асарларни саралашга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Танловга тақдим этилган энг яхши замонавий мавзудаги асарлар саралаб олиниб, юртимиз театрларида саҳналаштирилмоқда.

Ижодкор зиёлиларнинг ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режасида Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси, Журналистлар ижодий уюшмаси, "Ўзбекистон" миллий агентлиги, Ёзувчилар уюшмаси ва Маданият вазирлиги билан ҳамкорликда доимий тарзда ишлар амалга оширилиши кўзда тутилди.

Тизимдаги олий таълим муассасаларида ҳам ислохотлар олиб борилмоқда. Президентимизнинг соҳага тааллуқли қарори ва унинг 2-иловадаги кўрсатилган "Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Фаргона минтақавий филиалини ташкил этиш, унинг моддий-техника базасини шакллантириш, ўқув ва илмий-педагогик таъминлаш чора-тадбирлари дастури" асосида Қўқон шаҳрида институтини филиали ташкил этилди. Унинг ахборот-ресурс маркази 700 дан ортиқ илмий, бадиий ва ўқув-услубий адабиётлар ҳамда 12 мингдан зиёд электрон версиядаги адабиётлар билан бойитилди.

Ўзбекистон давлат консерваториясининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва модернизация қилиш юзасидан Миллий банк билан ҳамкорликда 2017-2019 йилларга мўлжалланган "Йўл харитаси" ишлаб чиқилиб тасдиқланди. Маданият вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимиятининг 2017 йил 21 августдаги қўшма қарори қабул қилиниб, Мирзо Улугбек туманидаги Мустақиллик проспекти, 31-йўлда жойлашган бино Ўзбекистон давлат консерваторияси балансига ўтказилди. Ўзбекистон давлат консерваториясини тубдан ислох қилишга оид изчил сайё-харакатлар давом этмоқда.

Маданият ва санъат ходимлари ҳамда давлат архивлари бошқарув ходимлари ва мутахассисларининг меҳнат ҳақи миқдорлари ўртача 45 фоизга оширилди ҳамда лавозим машоалари ўртасидаги тафовутни кучайтириш ҳисобига касбий ўсишни рағбатлантиришга эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон давлат филармонияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори мамлакатимизда мусиқа ҳамда рақс санъатини ривожлантириш, мусиқа ижрочилари ва рақс жамоалари ижодини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантиришга мустаҳкам таянч бўладиган ҳуқуқий асос бўлди. Унинг ижросини таъминлаш юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси келишилмоқда.

Соҳага кўрсатилаётган эътибор самарасида Маданият вазирлиги ҳузурида Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси фаолият қўрғатмоқда. Жамғарма халқаро тажрибани қўллаш орқали маданият муассасаларининг фаолиятини қайта тиклаш, янгилаш ва ислох қилиш, маданий ҳомийлик каби муҳим вазифалар билан шуғулланади. Қисқа вақт ичида жамғарма маданият ва санъат соҳасида халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш, соҳага инновацион усуллари жорий этишга оид қўллаб-қўллаш лойиҳаларга муаллифлик қилди. Президентимизнинг жорий йил май ойида Америка Қўшма Штатларига расмий ташрифи давомида жамғарма Вашингтоннинг Смитсон институтини билан ҳамкорлик битими имзоланишига эришди. Институт инсоният маданий мероси муҳофазаси билан шуғулланиб, имзоланган битим ҳамкорликда тадқиқот ишлари олиб бориш, илмий ишлар чоп этиш, кўргазма фаолияти билан боғлиқ масалаларни ўз ичига олади. Қолаверса, Париждаги жаҳоннинг йирик музейи Луврда Ўзбекистонга ташриф буюрган делегация билан илк бор Ўзбек миллий кўргаз-

масини Луврда ўтказишга келишилганлиги ҳам жамғарманинг ютуғидир. Миллий мақом санъатини келгуси авлодларга етказиш ва уни хориҳда ҳам кенг тарғиб этиш мақсадида Ўзбек миллий мақом санъати маркази ташкил этилди. 6-10 сентябрда Шаҳрисабзда Халқаро мақом санъати анжуманини юксак савияда ўтказиш белгиланган. Унда хорижий давлатлардан таниқли мусиқашунос олимлар, санъаткорлар, ижодий жамоалар ва мутахассислар иштирок этиди. Ҳозир ушбу йирик халқаро анжуманга жиддий тайёргарлик қўрилмоқда.

Шу билан бирга, маданият ва санъат муассасаларини давлат томонидан қўллаб-қувватланишининг самарали тизимини яратиш мақсадида кўни кеча Президентимизнинг "Маданият ва санъат соҳасида давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори тасдиқланди.

Маданият ва санъат соҳасига қаратилган юксак эътибор, ишонччи ҳамиша ҳис этмоқдамиз. Бу ишонч эса бизга чексиз илҳом бағишлайди. Давлатимиз раҳбарининг "Инсон қалбини, унинг дарду ташвишларини, халқнинг орозу-интилишлари, Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини бетакдор сўз, оҳанг ва рангларда таранум этишни ўз ҳаётининг маъно-мазмунини деб биладиган сиз, муҳтарам ижод аҳлининг меҳнати нақадар машаққатли, масъулиятли ва шарафли эканини барчамиз яхши биламиз. Мен сизларнинг қўнчилигингизни узоқ йиллардан буюн яқиндан танийман, асарларингизни ўқиганман, сизлар яратган қўй-қўшқларни, картиналар, фильм ва спектакллари доимо катта қизиқиш билан тинглаб, томоша қилиб келаман. Бир сўз билан айтганда, адабиёт ва санъатнинг чинакам муҳлиси бўлиш насиб этганидан бахтиёрман".

Бир йил аввал янграган бу сўзлар, бундай юксак эътироф соҳа ходимларига бемисл қуч-ғайрат, шижоат бахш этмоқда. Бинобарин, инсон ҳар доим эзгу ният билан яшайди. Яхшиликни дилига тугиб, жамиятга, юртга наф келтиришдек хайрли амаллар, албатта, ўз самарасини беради.

**Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси маданият вазири  
Ў.А.

## АТРОФ-МУҲИТ МУҲОFAZACI DOIMII ЭЪТИБОРДА

**Ўзбекистон Экологик ҳаракати ташкил этилганлигининг 10 йиллиги муносабати билан Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ўқув-ишлаб чиқариш марказида сайёр амалий семинар ўтказилди.**

Ўзбекистон экологик ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Экоҳаракат депутатлари гуруҳи, "Buloqcha" – "Родничок" болалар экологик журналы, Халқаро сув ресурсларини бошқариш институти ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирдан қўлланган мақсад аҳоли, айниқса, ёшлар онгига атроф-муҳитга бўлган эътиборни ошириш, ёш авлодининг экологик ва эстетик маданиятини юксалтириш, уларни она табият ва унинг неъматларига меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш, озодалик ва ободлик каби миллий анъаналаримизни ёшлар онгига сингдириш, ватанимизнинг гуллаб-яшнашида гулзорлар, боғлар, даракторлар яратиб, ёшлар ўртасида боғ яратиш каби хайрли ва эзгу ишларни амалга оширишда уларга кенг тушунчалар беришдан иборат.

Тадбирда шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотикорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди кўмагида "Buloqcha" – "Родничок" болалар экологик журналы томонидан амалга оширилаётган "Ёшлар ва болаларнинг экологик дунёқарашини шакллантиришда ОАВларнинг таъсири" лойиҳаси доирасида "Хумо", "Зилола", "Радуга" ёғи болалар дам олиш ва соғломлаштириш оромгоҳларида ёшларнинг экологик маданиятини юксалтириш, уларни она табият ва унинг неъматларига меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш, узлуқсиз экологик таълим-тарбия тизимига кўмаклашишга йўналтирилган танловлар, викториналар, маҳорат-дарслари ташкил этилди. Тадбир иштирокчилари уч гуруҳга бўлинган ҳолда мазкур оромгоҳларга ташриф буюрдилар.

Кўннинг иккинчи ярмида "Қайта тикланувчи энергия манбалари, энергия ва ресурс теҳовчи технологиялар" мавзусига бағишланган амалий семинар ҳам бўлиб ўтди. Иштирокчилар Тошкент ахборот технологиялари университети ўқув-ишлаб чиқариш базасида ўрнатилган қайта тикланувчи энергия манбалари ускуналари билан танишиш имкониятига эга бўлдилар.

Тадбир иштирокчилари "Халқаро сув ресурслар бошқариш институти, Ўрта Осиё лойиҳалари" тўғрисида тақдирот билан танишишди, шунингдек, швейцариялик меҳмон – Нюшатель Амалий Фанлар университети доктори – Патрис Мюллер "Ақли сув ўлчиқлар"и билан ўртоқлашди.

Шунингдек, тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида биринчи ўқишда қабул қилинган "Қайта тикланувчи энергия манбалари тўғрисида"ги қонун ҳақида иштирокчиларга батафсил маълумот берилди. Тадбир якунида билдирилган тақлифлар асосида тавсиялар қабул қилинди.

Амалий акцияда фаол иштирок этганлар ва оромгоҳларда ўтказилган танловлар, викториналар ҳамда бошқа интерфал ўйинларининг голибларига ташаккурнома, диплом, фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

**Зиёда РАСУЛОВА**

**Мамлакатимизда хотин-қизларнинг турли соҳаларда самарали фаолият олиб бораётгани ва улкан ютуқларга эришётгани барчамизни қувонтиради. Давлатимизнинг уларга бўлган эътибор ва ғамхўрликлари туфайли аёлларимиз ҳар соҳада ўз истеъдодларини, фидойиликларини намойён этмоқда.**

## МУНОСИБЛАР САРАЛАНДИ

Турли йўналишларда ўтказилаётган кўрик-танловлар, фестиваллар эса уларнинг изланиш, интилиш ва ихтироларини қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

"Ўзбекистон темир йўллари" АЖ хотин-қизлар кўмитаси томонидан Темирйўлчилар кўни муносабати билан ўтказилган "Йил аёли" танлови ҳам шулар жумласидандир.

Танловда темир йўл тизимидagi қорхона ва ташкилотларда фаолият юритиб келаётган ва танловнинг ҳудудий босқинларида голиб деб топилган, 80 нафар хотин-қизлар ўзаро беллашди.

– Жамият ҳаётида фаол иштирок этаётган ҳар жиҳатдан ибратли аёлларни аниқлаш, уларнинг фаолиятини кенг жамоатчиликка яқиндан таништириш, илгор иш тажрибаларини оммалаштиришда ушбу танлов муҳим аҳамият касб этади, – дейди "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоты мутахассиси Феруза Орипова. – Унда кўп йиллар самарали меҳнат қилиб келаётган, ўзига юклатилган вазифани сийдиқидан бажариб, ички тартиб қондаларга риоя қилган, соҳани ривожлантиришда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган изланувчан, ташаббускор, янгиликлар яратишга иштиёқ билан бўлган ва меҳнат жамоасида обрў-эътибор топан, жамоат ишларида фаол, оила ва фарзандлар тарбиясида барчага ибрат бўла оладиган оқила, етук интеллектуал салохиятга эга бўлган хотин-қизлар иштирок этиди. Бундай тадбирлар аёлларимизнинг кучига қуч, гайра-



**Танловлар**

тига ғайрат қўйиш билан бирга уларни янада фаол бўлишга, теран тафаккур, юксак ақл-заковат билан фаолият олиб боришга ундайди. Дарҳақиқат, юртимизда хотин-қизларнинг истеъдодини юзага чиқариш, улар учун зарур шарт-шароитларни яратиш босқинида кенг қамровли ишлар олиб борилиши натижаида турли соҳаларда изланишлар олиб бораётган аёлларимиз сафи тобора кенгайиб бормоқда.

Бу танлов ҳам ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилиш билан бирга энг ташаббускор, энг фаол, билимли, ўз касбининг устаси бўлган аёлларни танлаб олишда яқиндан ёрдам беради.

Танловда Тошкент темир йўл муҳандислари институти катта ўқитувчи Нодира Ходжаева олий ўрин "Гранд-при"га муносиб деб топилди. Тошкент йўловчи вагонлари қуриш ва таъмирлаш заводи АЖнинг кадрлар тайёрлаш бўлими бош мутахассиси Саида Мустафаева биринчи, Самарқанд темир йўл транспорт касб-хунар коллежи маънавий-маърифий ишлар бўлими директори ўринбосари Ирода Пардаева иккинчи, Қўнғирот минтақавий темир йўл узели алоқа ва сигналлаштириш бўлими муҳандиси Паршулу Абдуқодирова эса учинчи ўринга сазовор бўлди.

Шунингдек, "Йилнинг энг билимли аёли", "Йилнинг энг фидойий аёли", "Энг фидойий тиббиёт ходими", "Йилнинг энг яхши ижодкор аёли", "Ўз касбининг устаси бўлган аёл аёли", "Қорхона фахри бўлган

йил аёли", "Хотин-қизлар ўртасида спорт ва соғломлаштириш йўналишидаги фаоллиги учун", "Йилнинг энг кучли маънавий-маърифий тарғиботчиси" ва "Йилнинг энг яхши бошланғич ташкилоты раиси" номинаторлари бўйича ҳам бир қатор голиблар аниқланди.

Жумладан, "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлашдаги фаол иштироки ва жамиятда хотин-қизларнинг ижтимоий фаолиятини оширишдаги хизматлари учун ҳам бир қанча хотин-қизлар кўмитанинг ташаккурномаси билан тақдирланди.

– Танловнинг олий ўринга лойиқ деб топилганимдан ва бундай ишончга сазовор бўлганимдан бениҳоя мамнунман, – дейди олий ўрин "Гранд-при"га сазовор бўлган Нодира Ходжаева. – Бундай танловлар биз аёлларни янада изланишга, ўз устимизда ишлашга, фаол, ташаббускор бўлишга ва энг асосийси янги эзгу мақсадларга қорлайди.

Ҳа, ҳар қандай лойиҳа ва танловларнинг замирида эзгуликка йўғрилган хайрли мақсад ва интилишлар мўжассам. Бу танлов ҳам аёлларимизни нурили манзиллар сари елтадиган, уларга янада қуч-қувват, шижоат ва бахтиёрлик бахш этадиган гўзал бир хайрли тадбирдир.

Голиблар "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ хотин-қизлар кўмитасининг диплом ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

## КАНАЛЛАР ОБОДОНЛАШТИРИЛМОҚДА

**Тошкент шаҳридан оқиб ўтадиган каналлар ва уларнинг кирғоқ атрофини чиқиндилардан тозалаш, сўлим гўшага айлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Бу борада махсус "Йўл харитаси" ишлаб чиқилди. Унга кўра, каналлар кирғоғида жойлашган ноқонуний қурилмаларни бартараф этиш, туташ ҳудудларни ободонлаштириш, санитария ҳолатини яхшилаш ишларини ташкил этувчи туманлар секторлари кесимида ишчи гуруҳлар иш бошлади. Амалга оширилаётган ишларни аҳолига тушунтириш мақсадида тарғибот гуруҳлари фаолияти ҳам йўлга қўйилди.

Мирзо Улуғбек туманига бириктирилган Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қўнунчилик палатаси депутатлари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлими ходимларидан иборат тарғибот гуруҳи вакиллари ҳудуддан оқиб ўтувчи каналларни тозалаш бўйича олиб борилаётган ободонлаштириш ишларини кўздан кечирди.

Туман ички ишлар бўлими раҳбарлик қилаётган 3-сектор ҳудудида жойлашган "Дархон" маҳалла фуқаролар йиғинидан оқиб ўтувчи 4,4 километр узунликдаги "Салар" каналини тозалаш ишлари жадал амалга оширилмоқда. Яқингача бу ҳудуд қаровсиз, чакалақор бўлиб, оёқ босиб бўлмақ ҳолатда эди. Мутасаддиларнинг таъкидлашича, канал атрофида жойлашган 25 ноқонуний қурилма юзасидан тегишли ҳужжатлар тўпланиб, судга аризалар киритилмоқда. Ободонлаштириш ишларига 30 дан зиёд ишчи, 4 махсус техника жалб қилинган.

Туман ҳокими раҳбарлик қилаётган 1-сектор ҳудудидаги "Авайхон" маҳалла фуқаролар йиғинидан оқиб ўтувчи "Қорасув" канали кирғоқлари ҳам ободонлаштирилмоқда. Ҳозирда маҳалладан ўтувчи каналнинг 3 километрида тозалаш ишлари яқунланди. Шунингдек, 6 ноқонуний қурилма юзасидан тўпланган тегишли ҳужжатлар асосида судга ариза киритилди.

– "Қорасув" каналининг туман прокурори раҳбарлигидаги 2-сектор ҳудудида жойлашган "Аҳмад Югнакий" ва "Бешкапа" маҳалла фуқаролар йиғинидан оқиб ўтувчи қисми 3,3 километри ташкил этади, – дейди Ў.А. муҳбирга туман прокурори ўринбосари У.Собиров. – Ўтган вақт давомида масъул ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳашар йўли билан 1,1 километр узунликдаги канал ичи, атрофи тозаланиб, 72 ноқонуний қурилма бўзилди. Бу ерда ободонлаштириш ишлари учун 30-40 нафар ишчи ва 6 техника жалб қилинган. Келгусида канал соҳилларига турли манзарали қўчатлар ўтказилиб, бу ерда одамлар сайр қиладиган қўқам маскан, автотураргоҳ барпо қилиш режалаштирилмоқда.

Тарғибот гуруҳи вакиллари каналлар атрофида тозалаш ишларини олиб бораётган мутахассислар билан учрашиб, атрофдаги да-рахатларнинг эҳтиётсизлик билан кесилиши, чиқиндиларнинг тўпланиб қолишига йўл қўймаслик борасида аҳолисининг тақлифлари ҳам ўрганилди.

## ҚОНУНИ ЧЕТЛАБ ЎТИШНИНГ САЛБИЙ ОҚИБАТИ

**Тошкент халқаро аэропорти божхоначилари Бирлашган Араб Амирликларининг Шаржа шаҳридан учиб келган йўловчиларни божхона назоратидан ўтказиш чоғида товар-моддий бойликларни юртимизга ноқонуний олиб ўтишга уриниш билан боғлиқ қонунбузарлик ҳолатларини фош этди.**

Давлат божхона кўмитаси ахборот хизмати-нинг берган маълумотига кўра, "Яшил" йўлак орқали ҳаракатланаётган фуқаро Ш.И.нинг сумкаси назорат тартибида божхона кўригидан ўтказилган. Аммо ушбу шахс божхона назоратига тақдим қилинмаган ва божхона ходимининг оғзаки сўровида айтилмаган, жисмоний шахслар учун олиб кириш меъёридан ортиқ бўлган, умумий нархи 45 миллион сўмдан ортиқ турли парфюмерия воситалари ва уяли телефонларни юртимизга ноқонуний олиб кирмоқчи бўлганлиги маълум бўлди.

Худди шу рейс билан учиб келиб, "Қизил" йўлак орқали ҳаракатланаётган фуқаро Н.М. ҳам ўзи билан олиб келаётган белгиланган меъёрдан ортиқ товарларини йўловчи декларациясида қайд этмаган. Контрабанда ва божхона қонунчилиги бўзилишига қарши курашиш бўлими ходимлари томонидан ушбу шахс тўхтатилиб, божхона кўригидан ўтказилганда, божхона назоратига тақдим қилинмаган ва божхона ходимининг оғзаки сўровида айтилмаган, жисмоний шахслар учун олиб кириш меъёридан ортиқ бўлган, умумий нархи 80 миллион сўмлик уяли телефонлар, планшетлар, кўл соатлари ва уяли телефон дисплейлари борлиги аниқланди.

Ҳозирда ҳар икки ҳолат юзасидан текширув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

(Ў.А.)



## ФАРЗАНД ТАРБИЯСИДАГИ МУАММО ВА ЕЧИМ

Оила институтини мустаҳкамлаш концепциясида оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш, фарзанд тарбиясида онланинг жавобгарлигини ошириш масалалари алоҳида эътибор қаратилган. Айниқса, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатларга жиддий ёндашилган, дея хабар беради ЎЗА.

Ушбу вазибалар ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази томонидан "Фарзанд тарбиясида отанинг масъулияти, вазибалар ва мажбурияти: муаммо ва ечим" мавзусида республика илмий-амалий анжумани ўтказилди.

Унда оила институтини ва оилавий қадриятларнинг ривожланиш истиқболларини маънавий-ҳуқуқий, ижтимоий-психологик, иқтисодий-демографик жиҳатдан ўрганиш ва аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш масалалари муҳокама этилди. Анжуман ишига оила масалалари хусусида ил-

мий-амалий изланишлар олиб бораётган олимлар, тадқиқотчиларнинг 80 дан ортиқ мақола ва монографиялари тақдим этилди. Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Сурхондарё, Андижон, Бухоро, Жиззах вилоятлари бўйича тадқиқотлар алоҳида эътироф этилди.

Фарзанд тарбияси, бу борада аждодларимиз тажрибаси, асрий қадриятлар ва аъёнлар, ота-она масъулияти, ёшларни оила ҳуришига тайёрлаш каби мавзуларда тақдиротлар бўлди, мутахассислар фикр-мулоҳазалари тинглан-ди.

М.ҚОСИМОВА

## ГИЁҲВАНД МОДДА САҚЛАГАНИ УЧУН...

Холмуҳамедов Холнурмат Аширович 1955 йил Тошкент вилоятида туғилган. Ёши 60 дан ошган. 2017 йилнинг баҳор ойларида Х.Холмуҳамедов гиёҳванд воситаларини қонунга хилоф равишда ўтказиш мақсадида таркибиди гиёҳванд моддаси бўлган "каннабис" ўсимлигининг уруғларини ҳовлисида экиб, парваришлаб келган.

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ИИБ ЖКБ ходимлари томонидан ўтказилган "Қорадор" тезкор тадбири давомида Х.Холмуҳамедовнинг ҳовлиси кўздан кечирилганида бир туп яшил рангли, ўткир хидли ўсимлик ҳамда ушбу хонадон қўшхонасидан келгусида сотиш учун сақлаб қўйилган тўрт донга газета бўлағига қадокланган, яшил рангли, ўткир хидли модда борлиғи аниқланиб, ҳолислар иштирокида баённома асосида расмийлаштириб олинган.

Тошкент шаҳар ИИББ ЖКБ суд-кимёвий эксперти-засининг хулосасига кўра, олинган бир туп ўсимликда

наркотик тетрагидроканнабинол моддаси мавжуд бўлиб, бу наша эканлиги, 9,07 граммга тенг гиёҳванд модда "марихуана" эканлиги аниқланган.

Суд мажлисида Х.Холмуҳамедов айбига тўлиқ иқроқлиқ билдириб, уйда паранда боканлиги учун наша ўсимлигини уруғини қушларга берганлигини, қолган бағр қисмини моҳоркага ўраб қачиб, истеъмол қилганлигини, ҳозирда қилган ишдан пушаймон эканлигини билдириб, енгиллик беришни сўради.

Эльза ШАМСУДИНОВА,  
жиноят ишлари бўйича Юнусобод тумани суди  
раиси вазибасини бажарувчи

Суд давлат айбловчисининг хулосасини, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмаларини тинглаб, далилларга асосланиб, Х.Холмуҳамедовни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 270-моддаси 1-қисмида ва 273-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир қилганликда айбдор деб топди. Унга нисбатан ЖКнинг 57-ханда 59-моддасини қўллаган ҳолда узил-кесил 4 йил муддатга озодликдан чеклаш жазоси тайинланди.

## СУРАТЛАРДА ВАТАН МАНЗАРАЛАРИ

Тошкент Фотосуратлар уйида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси, "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси ҳамда Бадий академия ҳамкорлигида "Қудратимиз бирлик ва ҳамжиҳатликда" ва "Ўзбекистон – умумий уйимиз" мавзусида фотокўргазма очилди.

Мустақиллигимизнинг 27 йиллигига бағишлаб "Азиз ва ягонаман, жонажон Ўзбекистоним!" шiori остида ташкил этилган фотокўргазмада та-ниқли рассомлар, маънавият тарғиботчилари, ака-демиклар, ёшлар, кенг жамоатчилик ҳамда жур-налистлар иштирок этди.

Кўргазмада Владимир Жирнов, Абдуғани Жу-маев, Ғайрат Шукуров, Рустам Шарипов, Влади-мир Гончаренко ва Владимир Ковреин каби та-ниқли фотоишхўрларнинг 100 дан ортиқ асар-лари намойиш этилмоқда. Картиналарда акс эт-ган Ватанга бўлган чексиз муҳаббат, эзгуликка интилишни яққол ҳис қиласиз.

Г.БОБОЕВА,  
ЎЗА муҳбири

Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки кунларидан Ватанга муҳаббат, халқимиз маънавиятини юксалтириш, ўзида миллий ва умуминсоний қадриятларни, ақлий ва жисмоний уйғунлиқни мужассамлаштирадиган баркамол авлодни тарбиялашга катта аҳамият бериб келинмоқда.

## МОҲИР ВА ЧАҚҚОНЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Бу эса Ўзбекистонда маданият, таълим, спорт соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг бош мақсадига айланган. Ёшларнинг қалбида Ватан туйғусини уйғотиш, маънавиятини шакллантириш ва уларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимизда "Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепцияси"нинг ҳаётга татбиқ этилиши ҳам фикримиз да-лилидир. Ўзбекистон Мудофаасига қўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташки-лоти ёшларнинг спортнинг техник ва амалий турларида жалб этиш билан бирга уларнинг ҳарбий-ватанпарвар-лик руҳида тарбиялашни олдиға мақ-сад қилган. Ўзбекистон Мудофааси-га қўмаклашувчи "Ватанпарвар" таш-килоти "Миробод Ўқув СТК" унитар корхонаси Миробод туманидаги 175-ўрта мактаб қошида ташкил этилган "Камалак" номли ёзги болалар дам олиш оромгоҳи тарбияланувчилари ўртасида "Ёзги таътилни мароқли ўтказамиз" шiori остида ўтказил-ган кўп кураш ҳарбий спорт мусо-бақаси бунга яққол мисол бўла ола-ди.

Тадбирда сўзга чиққан Мудофаа-га қўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгаши раис ўринбосарлари Гавҳар Мама-това, Абдумарфуд Джалалов, "Ва-танпарвар" ташкилоти "Миробод ЎСТК" УК бошлиғи Фаррух Хусанов ва бошқалар юртимизда яратилган шарт-шароитлардан оқилона фойда-ланган ёшлар кўплаб ютуқларни қўлга киритаётганини таъкидлаб ўтишди. Шу билан бирга ёшларнинг спортнинг техник ва амалий турла-

рига жалб этиб келаётган Ўзбеки-стон Мудофаасига қўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг бар-ча туманларида ташкил этилган миллий кўп отиш, биатлон, триат-лон, сузиш, югуриш, велосипед ҳай-даш, картинг, мотокросс, авиамо-дель ва бошқа спорт турлари билан шуғулланишлари мумкинлигини ай-тишди. Бу эса саломатликка фой-дали эканлигини таъкидлаган ҳолда мусобақада иштирокчиларига омад тилади.

Шундан сўнг Республика Маъна-вият ва маърифат марказининг таъ-лим-тарбия муассасалари билан иш-лаб бўлими бош мутахассиси Баҳо-дир Ҳайитматов томонидан "Ватан та-раққиётига менинг ҳиссам" мавзуси-да маъруза тингланди.

"Миробод ЎСТК" УКнинг спорт бўйича бошлиқ ўринбосари М.Мах-камов ўқувчиларни мусобақанинг шартлари ва тартиб-қоидалари билан таништириб ўтди. Кўп кураш ҳарбий мусобақа бўйича югуриш, турникда тортилиш, арқон тортиш ва милтик-дан ўқ отиш бўйича ўқувчилар икки жамоага бўлиниб, ўзаро беллашди. Мусобақада 40 дан зиёд ўқувчилар қатнашиб, ўзларининг қанчалик мо-ҳир ва чаққон эканликларини намойиш этишди.

Беллашувда ғолиб бўлган ўқувчи-ларга "Ватанпарвар" ташкилоти "Миробод ЎСТК" унитар корхонаси то-монидан медал ва дипломлар топ-ширилди.

Дилафруз ОЛИМЖОНОВА,  
"Миробод ЎСТК" унитар  
корхонасининг  
Маънавият, ХВТ ва ТОИ бўйича  
бошлиқ ўринбосари

"101"

## ҚОИДАЛАРГА РИОЯ ЭТАЙЛИК

Ёнғинни ўчиришдан кўра, унинг олдини олган афзал, дейишади.

Ёнғинлар ўз-ўзидан эмас, кимнингдир айби билан содир бўлади. Унинг асосий келиб чиқиш са-баблари оловга эҳтиётсизлик билан муносабатда бўлиш, маст ҳолда ётган жойда сигарета чекиш, но-соз электр асбобларидан фойдаланиш, ёш бола-ларнинг олов билан ўйнашлари, эътиборсизлик ва лоқайдликдир.

Бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири тур-ли сабаблар оқибатида юзага келувчи "тилсиз ёв"ларнинг олдини олиш, хавфсизлик ва барқарор-лиқни таъминлаш, шунингдек, оғоҳлик ва ҳушёрлик-ни оширишдан иборат. Ана шундангина турли кўнгил-сизликлар келиб чиқмайди.

А.АБДУЛАЗИЗОВ,  
Ўзбекистон Республикасининг Биринчи  
Президенти Исмоил Каримов номидаги  
илмий-маърифий мемориал мажмуа  
биносини ёнғиндан муҳофаза қилувчи  
Ёнғин хавфсизлиги бўлими кичик  
инспектори, сафдор

Ёнғин вақтида ажралиб чиқадиган тутун, карбо-нат ангидрид ва бошқа зарарли ҳид ва газлар кўп миқдорда атмосферага кўтарилиб, нафас олиш учун зарур бўлган ҳавонинг таркибини бузади.

Бундан ташқари, ёнғиндан кўриладиган зарарнинг энг ёмони шуки, унда кўплаб кишилар жароҳатлани-ди ва ҳатто вафот этиши ҳам мумкин.

Булари билан ҳаммаси, ёнғинга қарши кураш тад-бирларини, бу вақтда пайдо бўладиган ишларни хавф-сиз бажариш усуллари ва меҳнат муҳофазаси бил-лан биргаликда ўрганишга мажбур қилади.

Ёнғинларнинг аксарияти фуқаролар турар жойла-рида юз бераётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Зеро, масъулиятсизлик, қаровсизлик, бефарқлик умуман ёнғин хавфсизлигининг оддий қоидаларига риоя қилмаслик, уларни кўр-кўрона равишда бузиш оқибатида уй-жойларда ёнғин чиқмоқда.

Республикамизнинг ҳар бир фуқароси жамоат ва давлат мулкни кўз қорачиқдек сақлаши ва асраб-авайлаши, уни бойитиши ҳақида қайғуриши керак.

З.АКБАРОВ,  
Ёнғин хавфсизлиги бўлими инспектори,  
капитан

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари ҳамжи-ҳатлик билан жасорат кўрсатиб, меҳнаткаш халқимиз ҳаёти, мол-мулки, миллий бойлигимизни табиий офат, фалокат ва ёнғинлардан асраб, ўз хизмат бур-чаларини сиқидилдан адо этишаётир.

Бу эса ўзининг ижобий самарасини бериб, йил-дан йилга республикамиз ҳудудиди бўлаётган ёнғин-лар сонини қисқартиришга олиб келмоқда. Бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири турли сабаб-лар оқибатида юзага келувчи "тилсиз ёв" бўлган ёнғинларнинг олдини олиш, хавфсизлик ва барқа-рорлиқни таъминлаш, шунингдек, оғоҳлик ва ҳушёр-лиқни оширишдан иборат. Айрим фуқаролар ўз уй-ларидида эътиборсизлик ва масъулиятсизлик, аниқ-роғи табиий газдан фойдаланишда ёнғин хавфсиз-лиги қоидаларига амал қилмасликлари оқибатида ёнғин билан боғлиқ кўнгилсизликлар келиб чиқмоқ-да.

Ёнғин хавфсизлиги қонун-қоидаларига қатъий риоя қилсангиз давлат ва шахсий мулкнингиз, уй-жойингизни ёнғиндан асраган бўласиз.

Т.ҚОДИРОВ,  
25-ХЕҲҚ бўлими бошлиғи, майор

Ёнғин тасодифан ёки ўз-ўзидан келиб чиқадиган кимёвий ҳолат эмас, балки у кимнингдир айби бил-лан юзага келувчи бахтсиз ҳодиса.

Ана шу кўнгилсизликнинг олдини олиш эса ҳар биримизнинг ўз қўлимизда эканлигини фуқарола-римиз унутмаслиги, яшаш ва иш жойида ёнғин хавфсизлиги қоида талабларини сўзсиз бажариш-лари зарур. Ана шунда ёнғин келиб чиқмайди ва уларнинг олди олинган, фуқароларнинг оёсийишта турмуш тарзи таъминланган бўлади.

Тошкент шаҳри ҳудудиди 2018 йилнинг 7 ойи мо-байнида 755 та ёнғин содир бўлган (ўтган йилнинг 7 ойи давомида 969 та). Ёнғин натижасида куйиб, ҳалок бўлганлар сони 16 та (2017 йилнинг 7 ойи давомида 11 нафар)ни ташкил этади. Шу билан бир-га ёнғин натижасида 26 нафар инсон тан жароҳат олиш ҳолати юз берган (ўтган йилнинг 7 ойи даво-мида 37 нафар).

Шу ўринда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш орқали ўзингиз, яқинларингиз хавфсизлиги-ни таъминлаган бўлишингизни унутмаслигингизни яна бир бора эслатиб ўтаимиз!

И.АБИДОВ,  
ЎЗМТРК Ёнғин хавфсизлиги бўлими  
кичик инспектори, сафдор

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

### Тижорат ташкилотлари диққатига!

Давлат статистика қўмитасининг 2018 йил 30 май-даги Адлия вазибалиги томонидан 2018 йил 23 июнда 2956-3-сон билан рўйхатидан ўтказилган "2018 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари тасдиқ-лаш тўғрисида"ги қарорининг 99-иловасига ўзгарти-риш киритиш ҳақида"ги 4-мб-сонли қарори иловасига мувофиқ 1-molliya shakli "Ташкилотнинг молиявий ахволи тўғрисида"ги ҳисоботни ҳар ойнинг 18 са-насида қадар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2017 йил 9 ноябрдаги 6-мб-сон қарори 103-сон иловасига мувофиқ 1-K shakli "Ташкилот фаолияти тўғрисида ҳисобот"ни ҳар ойнинг 2 санасига қадар давлат статистика ҳисобот-ларини электрон кўринишда йиғиш автоматлаштирил-ган тизими eStat 2.0 орқали электрон Интернет тар-моғи воситасида электрон рақамли имзодан фойда-ланган ҳолда тақдим этишларини эслатиб ўтади.

Маълумот учун тел-факс:  
230-88-09, 230-88-26, 230-88-29.  
Тошкент шаҳар статистика бошқармаси

"Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти "Темир йўл обод" мажмуасига жорий йилда Германия давлатидан сименталь зотиға тегишли қорамоллар олиб келиниши, шунингдек, сутни қайта ишлаш цехи (10 тонна, сут, қаймоқ, пишлоқ в.к.) молларни соғиш зали Германия ускунасини (24,28 талик) ва гўштни қайта ишлаш цехи (кунига 0,5, 1 тонна ишлаб чиқариш)ни сотиб олиш бўйича ҳужжали юритувчи субъектлардан, тижорат тақлифларини қабул қилади. Манзилимиз: Toshkent sh., 100060, T.Shevchenko ko'chasi, 7. Tel: 236-48-56, 236-48-64, fax: 256-16-59. Email: ush@railway.uz.

"TOShSHAHARNUR" давлат унитар корхонаси то-монидан 2018 йилдан бошлаб шахримизнинг мар-казий кўчалари, турар жой мавзёлари, маҳалла кўчаларидаги мавжуд эски русумдаги ёритгичлар-ни жаҳон талабларига жавоб берадиган замона-вий нурдиодли энерготехжамкор ёритгичларга ал-маштириш ишлари олиб борилмоқда.

Ёритгичлар алмаштирилган кўчаларда ёритиш тизимлари тест режимида ишламоқда. Шу муно-сабат билан кўча ёритиш тизимларида ёритгичлар-нинг ёниб-ўчишида вақтинчалик носозликлар юзага келиши мумкинлигини инобатга олиб ноку-лайликлар учун уэр сўраймиз.

Ёритиш тизимларининг ишлашидаги камчилик-лар бўйича қуйидаги рақамлар орқали мурожаат қилишингиз мумкин:

Телефонлар: 232-20-20, 230-20-20 телеграмм: +99895-196-20-20.

www.toshshaharnur.uz  
"TOShSHAHARNUR" ДУК маъмурияти



Тошкент шаҳрида 8 ав-густ куни ҳаво ўзгариб ту-ради, ёнғинчилик бўмайди. Шарқдан секундида 5-10 метр тезликда шамол эса-ди. Ҳарорат кечаси — 22-24,

кундузи — 37-39 дара-жа иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотиға кўра, 8 августда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарар-ли моддаларнинг бир оз тар-қалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш дара-жаси паст бўлади.

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Эълонлар: (0-371) 233-28-95.  
Факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот бошқармасида  
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрини етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки  
«Тошкент почтаменти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.  
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР  
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:  
gazeta-vto@mail.uz  
Буюртма Г-835

Душанба, сешанба, чоршанба,  
пайшанба ва жума кунлари чиқади  
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.  
4986 нусхада босилди.  
Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул  
О. Ҳазратов  
Босишга топширилди: 14.30

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси босмахонаси. Корхона  
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир  
Акмал АҚРОМОВ